

Published Date: - 18-10-2023

Ҳарбий терминларнинг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқи

Казакова Лайло Мадоримовна

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

zilhamboev@bk.ru

Аннотация: Ушбу мақола ўзбек тилшунослигида ҳарбий терминологиянинг ўрганилишига оид ишлар тавсифига бағишланади ва мақолада ушбу йўналишда амалга оширилган тадқиқот ишлари асосида эришилган натижалар, уларнинг мазмун моҳияти борасида сўз юритилади. Ўзбек тили ҳарбий терминологияси доирасидаги изланишларнинг умумий жиҳатлари ёритиб берилади ва шу билан биргаликда соҳада кейинги амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича айрим фикрлар ифодаланади.

Аннотация: Данная статья посвящена описанию работы, связанной с изучением военной терминологии в узбекском языкознании, а также обсуждаются результаты, полученные на основе исследований, проведенных в этом направлении, и их содержание. Будут освещены общие аспекты исследования в рамках военной терминологии узбекского языка, а также высказаны некоторые мнения о работе, которую следует провести на местах. синхронное исследование.

Annotation: This article is devoted to the description of the work related to the study of military terminology in Uzbek linguistics, and the results obtained on the basis of the research conducted in this direction and their content are discussed in the article. The general aspects of the research within the military terminology of the Uzbek language will be highlighted, and at the same time, some opinions will be expressed about the work that should be carried out in the field.

Калит сўзлар: ҳарбий терминология, бойиш йўллари, ўзга қатлам, диахрон ва синхрон тадқиқ.

Published Date: - 18-10-2023

Ключевые слова: военная терминология, способы обогащения, иностранный слой, диахрония

Key words: military terminology, ways of getting rich, foreign layer, diachrony and synchronous study.

Асосий қисм. Терминлар тадқиқи ўзига хос мураккаб ва шу билан биргаликда давр нуқтаи назаридан келиб чиқилса, долзарб аҳамиятга эга. Терминлар бўйича илмий изланиш олиб боровчидан нафақат лингвистик билимлар, балки соҳа борасидаги кўникмалар ҳам талаб қилиниши билан мураккаблиги белгиланади. Агар иш қиёсий аспектда олиб борилса, икки қарра машаққат талаб қилинади. Аммо, шунга қарамасдан бугунги кунда кўпчилик соҳа терминологияси ҳар томонлама чуқур ўрганилиб, унинг натижасида, салмоқли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Натижада, ўзбек терминологиясига асос солишга эришилган ва турли терминологик қатлам тушунчаларининг тилдаги ўрни белгилаб олинган. Ўзбек тилшунослигида терминларни монографик планда ўрганиш Н.Маматовнинг пахтачиликка оид терминлардан бошланган ва кейинчалик тилшунос шу орқали ўзбек пахтачилик терминлари луғатини тузиш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан. Кейинги йилларда ўрганилган ва тадқиқот объекти сифатида олинган фан тушунчалари турли хил эканлигини кўришимиз мумкин. Ҳатто биз тилдаги аҳамиятини тасаввур қилиб кўрмаган қатлам тушунчалари, масалан заргарлик, рақс санъати, ёғочсозлик терминлари махсус монографик планда ўрганилганлиги маълум бўлди. Амалга оширилган ишларнинг назарий қисмида термин таърифи ва терминология хусусидаги билимлар тадқиқ қилинганлиги уларнинг умумий жиҳатларидир. Бу борада яқдил таърифнинг мавжуд эмаслиги ва ҳар бир тилшунос ўзининг ишчи таърифини келтириб ўтиши эса терминологик тизимлар доирасида олиб бориладиган ишларнинг давомийлигидан далолат беради. Кўпчилик ишларда маълум бир соҳага тегишли лексик бирликлар терминологик тизимни ташкил

Published Date: - 18-10-2023

қилиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши кераклиги қайд қилиниб, улар қуйидагилардан ташкил топишини келтириб ўтишни жойиз деб хисобладик:

- салмоқли миқдорда бўлиши;
- хусусий маънога эга бўлиши ва маълум бир фан соҳасининг оғзаки ва ёзма мулоқотида қўлланилиши;
- мавзувий ғруҳларга эга бўлиши;
- умумтил ва ўзга терминологик система бирликлари билан ўзаро муносабатларга киришиши;
- терминларни шакллантирган ва тараққий қилдирувчи усул ва манбааларга эга бўлиши.

Юқорида қайд қилинган мезонларга қўшимча равишда биз терминлар ҳам умумтил лексик бирликлари сингари динамик, очиклик, яъни ўзга тиллардан кириб келган тушунчалар ҳисобига, тилнинг ички имкониятлари асосида ҳам бойиши каби тамойилларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Ўрганилган лисоний манбааларга асосан, ўзбек тили ҳарбий терминлар тизими юқорида санаб ўтилган талабларга тўла жавоб беради. Аммо шунга урғу бериш лозимки, ўзбек тилшунослигида ҳарбий терминлар тадқиқига фақат санокли ишлар бағишланган ҳолос. Фақат ўзбек тили доирасида учта тадқиқодни айта олсак, кейинги навбатда инглиз тили доирасида ҳам худди шу миқдорда ва хитой тили асосида битта илмий тадқиқот иши олиб борилган. Ушбу фикрлар фақат сарҳисоб мақсадида эмас, балки бугунги глобализация даврида долзарб аҳамиятга эга бўлган мавзунинг кам ўрганлигига аниқлик киритиб олиш мақсадида баён қилинди. Ушбу доирада тамал тош қўйилган иш хусусида мулоҳаза юритадиган бўлсак, ушбу иш Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикасининг тараққиёти деб номланади. Монографик планда амалга оширилган тадқиқот ишида ўша давр вақтли матбуот, сиёсий ва бадий

Published Date: - 18-10-2023

адабиётлар ва халқ оғзаки ижоди намуналаридан олинган материаллардан унумли фойдаланилган. Бундан ташқари Улуғ Ватан уруши даврида қўлланилишда бўлиб келган ҳарбий терминлар турли тематик гуруҳларга бўлиб ўрганилган ва ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг бой лексик қатламдан иборат эканлиги далилланган. Давр ҳарбий терминологияси ҳақида мулоҳаза қилинганда, рус тилидан калька усули асосида ўзлашган сўз ва иборалар кўп миқдорни ташкил қилганлигига урғу берилган.

Нафақат ҳарбий терминология доирасида, балки ўзбек тили терминологиясига салмоқли ҳисса қўшган терминшунос Х.Дадабоевнинг ишлари эътирофга лойиқ. Терминшунос ўзининг диссертациясида ўзбек тили ҳарбий терминологияси тил ривожланишининг барча давларида фаол қўлланилиб келинганлигига урғу берган ҳолда, ўз ички ва ташқи имкониятлари асосида ҳам бойиб боришини қайд қилиб ўтган. Эски ўзбек тилида қўлланилган терминлар VII-X асрлар-қадимги туркий ёдномалар, XI-XIII асрлар-эски туркий ёдномалар, XIV-XVIII асрлар-қадимги ўзбек ёднома ва ёдгорликларига бўлиб ўрганилган. Бундан ташқари терминларнинг ясалиши хусусида ҳам тадқиқот олиб борган ҳолда, семантик усул билан ҳам терминлар ҳосил бўлишиги мисоллар асосида ифодаланган. Ушбу иш орқали миллий тилимиз ҳарбий терминологиясининг тарихий илдизлари бўйича тасаввур ҳосил қилиш имконини бериши билан лингвистик изланишлар орасида ўз аҳамиятига эга.

Терминларнинг синхрон тадқиқи эса Х. Ёдгоров диссертациясининг мазмун моҳиятини ташкил қилади. Унда ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг ички имкониятлари асосида қарор топиши ва шу билан биргаликда ўзлашмалар-ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг бойитувчи манба эканлиги боблар асосида изланишнинг асоси саналган. Семантик усул билан термин ҳосил бўлиши турли фан доирасидаги терминлар тизимида турли миқдорда бўлишини, туб, ясама, ҳар хил моделлардаги қўшма ва бирикма терминлар сон жиҳатдан нисбатан кўп миқдорни ташкил этиши

Published Date: - 18-10-2023

хусусида хулосалар баён этилган. Иш сўнггида синонимия хусусида сўз юритилиб, олдинги ишларда ушбу ходисага салбий муносабат ифодаланилганлигини баён қилинган ва айтилган битта тушунча икки ва ундан ортиқ лексик бирликлар орқали ифодаланиши фаоллашиб бораётганлиги, ҳарбий терминологик қатламда маълум бир меъзонларга таянган ҳолда тартиб ўрнатиш пайти келганлигини ифодалаган.

Олиб борилган тадқиқотдан келиб чиққан ҳолда, И. Расулов иши Улуг Ватан уруши йиллари терминологиясини ўз ичига олганлиги, Х.Дадабоевнинг изланишлари эски ўзбек ҳарбий терминологияси борасидаги билимлар жамланмаси деб номлай олишимиз билан аҳамиятли саналса, Х. Ёдгоровнинг диссертацияси ҳарбий терминларнинг синхрон тадқиқи эканлигини айтиш мумкин. Амалга оширилган ишларнинг умумий хусусияти ҳарбий терминларни тематик гуруҳлари борасида ва уларнинг ясалиши мисоллар асосида яққол кўрсатиб берилиши бўлса, ушбу қатламга экстралингвистик омилларнинг таъсири ҳам мавжудлиги илмий ишларнинг мазмун моҳиятини ташкил қилади. Тилимизда ўзига ҳос аҳамият касб этган ва айтилган ҳолда ҳам долзарб саналган ўзбек тили ҳарбий терминологиясига бағишланган ишлар фақат юқорида сўз юритганларимиздан иборат эканлиги албатта, мавзунинг кам ўрганилганлиги юзасидан асосли хулоса қилишга ўрнимиз борлигидан далолат беради. Шу ўринда тадқиқотчи сифатида муносабат билдирадиган бўлсак, амалга оширилган ишларда ҳарбий терминология таърифи ва унинг асосий хусусиятлари, семантик гуруҳларнинг асосланганлиги борасида фикр келтирилмаган. Ваҳоланки, илмий иш ҳарбий терминологияга бағишланар экан, унда дастлаб умумий тасаввурга эга бўлиш учун дастлаб ҳарбий терминология ва унинг бўлимларини ташкил қилувчи семантик гуруҳлари борасидаги фасллар мавжуд бўлишини ўринли деб ҳисоблаймиз.

Хулоса. Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, маълум бир терминологияга бағишланган илмий тадқиқотларнинг назарий қисмида шу фан терминологияси бўйича умумий тасаввурга эга бўлиш учун ва ишни ўринли

Published Date: - 18-10-2023

Йўналтириш учун соҳавий терминологиянинг қатламлари борасидаги билимлар зарур саналади. Бундан ташқари иш тор доирада олиб борилса, аниқ хулосалар чиқариш имкони кенгаяди. Шу билан биргаликда маълум бир тилнинг умумий қатлам терминологиясини тадқиқ қилиш ва уни битта тадқиқод ишида қамраб олиш турли мураккабликларни юзага келтиради деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳатова М. Ўзбек тили ёғочсозлик терминологияси. Филол. фанлари номзоди... дисс.автореф.-Т., 2004.,
2. Дадабоев Х. Военная лексика в староузбекского языке: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук.-Ташкент, 1981.
3. Ёдгоров Х. Ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг синхроник тадқиқи: Филол. фанлари номзоди... дис.- Тошкент, 1996 й. -160 б.
4. Маматов. Н. Ўзбек пахтачилик терминлари луғатини тузиш юзасидан баъзи мулоҳазалар. // Ўзбек тили ва адабиёти.-1963. №3.-Б. 51-55.
5. Расулов И. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикасининг таракқиёти: Филол. фанлари номзоди... автореф. дис.- Тошкент, 1951 й. -25 б.
6. Ширинова Е. Ўзбек тили банк-молия терминологияси. Филол.фан.бўйича фалсафа док-ри...дисс.автореф.-Тошкент, 2020.-60 б.- Б.10.